

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК

*Давлат-ҳуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш кафедраси ўқитувчиси майор
Қодирова Камола Тохиржонова*

Аннотация

Мазкур мақолада ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро ҳуқуқий стандартлар ҳамда уларнинг миллий қонунчиликдаги ифодаси таҳлил қилинган. Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий мақоми, уларга нисбатан камситишнинг олдини олиш механизмлари ва инклюзив жамиятни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ёритилган. Муаллиф томонидан халқаро нормаларнинг миллий ҳуқуқ тизимига имплементация қилиниши ҳамда амалиётда учраётган айрим муаммолар илмий нуқтаи назардан баҳоланган.

Калит сўзлар: ногиронлиги бўлган шахслар, инсон ҳуқуқлари, халқаро стандартлар, миллий қонунчилик, инклюзив муҳит, тенглик, ижтимоий ҳимоя.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Айниқса, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш масаласи бугунги кунда халқаро ҳамжамият эътиборида турган долзарб йўналишлардан саналади. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларига ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган фуқаролар, ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган шахслар киради. Шундай тоифалардан бири ногиронлиги бўлган шахслар ҳисобланиб, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Замонавий халқаро ҳуқуқда ногиронлик масаласига нисбатан ёндашув тубдан ўзгарди. Илгари бу ҳолат асосан тиббий нуқсон сифатида баҳоланган бўлса, ҳозирги босқичда у инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан талқин этилмоқда. Бунда асосий эътибор инсоннинг жисмоний ҳолатига эмас, балки жамиятдаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилмоқда.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, таълим олиши, меҳнат қилиши ва давлат бошқарувида қатнашиши тенг ҳуқуқли фуқаролик жамиятининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Шу боис мазкур соҳада халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликнинг ўзаро уйғунлигини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қабул қилинган муҳим халқаро ҳужжатлардан бири БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ҳисобланади. Ушбу халқаро ҳужжат ногиронликка нисбатан ижтимоий ёндашувни мустаҳкамлаб, давлатларни ногиронлиги бўлган шахслар учун тенг имкониятлар яратишга мажбур этади.

Конвенцияга мувофиқ, ногиронлиги бўлган шахслар жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга ҳисобланади. Шунингдек, давлатлардан таълим, меҳнат, соғлиқни сақлаш, транспорт, ахборот ва коммуникация соҳаларида қулай шароитлар яратиш талаб қилинади.

Халқаро ҳуқуқда “оқилона мослаштириш” тушунчаси муҳим аҳамият касб этади. Унга кўра, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш учун ортиқча қийинчилик туғдирмайдиган зарур шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти ҳисобланади.

Шу билан бирга, халқаро стандартларда камситишнинг ҳар қандай шакли тақиқланади. Камситиш нафақат тўғридан-тўғри, балки билвосита шаклларда ҳам намоён бўлиши мумкинлиги эътироф этилади. Бу эса давлат органларидан нафақат ҳуқуқий кафолатлар, балки амалий чоралар кўришни ҳам талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий база босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасига меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир деган норма кенгайтирилган ҳолатда киритилди. Ундан ташқари давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлайди. Бу эса давлатга ногиронлиги бўлган шахсларнинг маданият марказлари, кино ва концерт заллари, цирк, театрларга кириш, шунингдек давлат хизматлари, тиббий, ижтимоий хизматлардан фойдаланишда имтиёзлар, қулайликлар яратиш, уларни имтиёзли асосда ишга жойлашиш ва таълим олишлари учун ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўриш мажбуриятини юклайди. Конституцияда барча фуқароларнинг тенглиги мустаҳкамланган бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини камситишга йўл қўйилмаслиги белгиланган.

Шунингдек, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонун мазкур соҳадаги асосий миллий ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Қонунда ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш, ахборотдан фойдаланиш, эркин ҳаракатланиш ва ижтимоий

хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқлари кафолатланган.

Бугунги Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз тараққиёт йўлининг муҳим, инсон манфаатларини таъминлашни сифат босқичига кўтариш даврида турибди. Қолаверса, маълум бир жамиятнинг илмлилики даражасини, унинг ногиронлиги бўлган шахсларга бўлган муносабатига қараб баҳолаш мумкин. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёнинг 1 миллиарддан ошиқроқ аҳолисини ногиронлиги бор инсонлар ташкил этади. Яъни, тахминан 15 фоиз дунё аҳолиси ногиронлик билан ҳаёт кечирмоқда. Уларнинг 80 фоизга яқин қисми ривожланаётган давлатлар ҳисобига тўғри келади. Расмий маълумотларга кўра, Ўзбекистон бу кўрсаткич 2 фоизни ташкил этади.

Миллий қонунчиликда инклюзив таълимни жорий қилиш, бинолар ва транспорт воситаларини мослаштириш, ахборот муҳитини барча учун очиқ қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса халқаро стандартларнинг миллий ҳуқуқ тизимига босқичма-босқич татбиқ этилаётганини кўрсатади.

Бироқ амалиётда айрим муаммолар ҳам сақланиб қолмоқда. Жумладан, инфратузилманинг тўлиқ мослаштирилмаганлиги, айрим ҳудудларда инклюзив таълим имкониятларининг чекланганлиги ҳамда иш билан таъминлашда мавжуд тўсиқлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Халқаро ҳуқуқ нормаларининг миллий қонунчиликда самарали акс этиши ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Агар халқаро мажбуриятлар миллий ҳуқуқ тизимига тўлиқ имплементация қилинмаса, ҳуқуқий кафолатлар амалда самарасиз бўлиб қолиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, давлат органлари фаолиятида халқаро стандартларга мувофиқ ёндашувни кучайтириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ва аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, ногиронлиги бўлган шахсларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш, улар учун қулай муҳит яратиш ҳамда ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро стандартлар муҳим ҳуқуқий мезон вазифасини бажаради. Миллий қонунчилик эса мазкур стандартларни амалий жиҳатдан таъминлашнинг асосий механизми ҳисобланади.

Ўзбекистонда бу борада муайян ислохотлар амалга оширилаётган бўлса-

да, ногиронлиги бўлган шахслар учун тўлиқ инклюзив муҳит яратиш, ҳуқуқий кафолатларнинг амалий ижросини таъминлаш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 2023 йил
2. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция.
3. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. – 1948 йил.
4. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонуни.
6. “Кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
7. “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
8. Муаллифлар жамоаси Конституциявий ҳуқуқ. Дарслик. Т.; ТДЮУ нашриёти, 2024. – 800 б.